RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 1999 йил, 2 март, сешанба № 26 (1134). ● Сотувда эркин нархда.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Вторник, 2 марта 1999 г. № 26 (1134). ● В розницу — цена свободная.

Газета издается с 24 июня 1992 г.

Энг катта орзуим—менга ишонган одамларнинг омонлиги, юртимнинг тинчлиги!

Ислом КАРИМОВ.

ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ

ФЕВРАЛЬ ВОҚЕАЛАРИ

У КИМЛАРГА КЕРАК БЎЛДИ? ИЖРОЧИЛАРИ КИМЛАР? ТАШКИЛОТЧИЛАРИ-ЧИ?

Фавқулодда ҳодисалар ҳаётга янгича кўз билан қарашни, ўтган-кетган воқеаларни мантиқ чиғиригидан ўтказишни тақозо этади. Бенхтиёр инсон умри, ҳаёт мазмуни, лўнда қилиб айтганда, инсон қадр-қиммати ҳақида ўйлаб қоласан, киши. Одам нима учун яшайди? **Инсон қадр-қиммати нимадан иборат?** Яшашдан мақсад нима ўзи? Фоний вужуднинг фақат моддий эҳтиёжларини қондиришми? Инсон қадр-кимматини англаш, тушуниб етиш, бир одамдай яшаб ўтиш, ўзидан ўчмас бир из, яхши ном, хотира қолдиришми?

Қадр деганда ҳаётда онгли яшайдиган одам, яъни Аллоҳ таоло ўзига ато этган иқтидор, салоҳиятни англай олган одам тушунилмайдими? Халқимизда қадр билмаснинг қадри йўқ, деган гап бор. Қадр — бу, ростдан ҳам ҳаёт мазмунини англаб етиш, илгари фақат орзу-армон бўлган, бугун эса реалликка айланган воқеликни тўғри идрок этиш, ҳаётдаги ўз мақсадларини ҳимоя қилиш, рўёбга чиқариш учун курашиш дегани эмасми? Нега бўлмаса одам қадри топталса, гўё юрагига найза санчилгандек безовта бўлади. Бу унинг ҳаётдан кўзлаган мақсадларига тажовуз қилингани учун эмасми?

Инсон адашмаслиги, бошқаларнинг ҳар қандай гапига лаққа тушмаслиги учун, Президентимиз ибораси билан айтганда, унинг ўзида мустақил фикр, муайян ҳаётий қатъият (яъни принцип) бўлиши, ўз **қадрини билиши керак.** Бу қатъият инсоннинг ҳаёт маъносини англашдан келиб чиққан мақсадларига интилиши асосида шаклланади, мустаҳкамланади. **Бу қатъият инсоннинг ҳаётдан кўзлаган мақсадини, бола-чақаси, ота-онаси, эл-юрти, ҳаёт, табиат, жамият ва Парвардигор олдидаги масъулиятини ифодалайди, жавобгарлигидан келиб чиқади.**

Афсуси, бир умр яшаб, қадр нима-ю, қиммат нималигини билмай, ҳаёт мазмунини англамай, эзгу ғоялар учун кураш завқини туймай, мақсадга эришишнинг нашидасини сурмай ўтиб кетаётганлар қанча.

Аллоҳ таоло ўзи азиз билган бандаларига синов юборар экан. Қуръони Каримнинг Бақара сураси, 155 оятида: «Albatta сизларни хавфу хатар, очлик, молу жон ва мева-чеваларни камайтириш каби нарсалар билан имтиҳон қиламиз. Бирон мусибат етганда «albatta биз Аллоҳнинг бандаларимиз ва albatta биз у зотга қайтгувчилармиз» дейдиган сабрли бандаларга хушхабар беринг», дея ниҳоят этилган.

Бошига синов тушмаган одам ҳаётнинг қадрига етмайди. Кечанинг бугундан фарқини ҳам, бугуннинг кечадан афзаллигини ҳам, эртанинг қандай келиши мумкинлигини ҳам билмайди.

Ҳаётнинг турли синовларидан эсон-омон ўтиш учун кишида инсон қадр-қиммати, ҳаёт мазмунини тушуниш орқали шаклланган мақсад ва бу мақсадга эришиш учун мустаҳкам ирода, сабр-тоқат ва шукроналик, фидойилик бўлиши шарт.

Ориятли одам ўз қадр-қимматини нозик ҳис этади. Қаттиқроқ тегиб кетсангиз, нафсонияти ғ ирийди, ўзини камситилган ҳисоблайди, шаънини ҳимоя қилиш учун бел боғлайди.

Қани энди, бу ҳаётда яшаётган ҳар бир инсон ўз қадр-қимматини шундай англаса, қадр-қимматини ерга урадиганлар билан курашишга ҳар доим тайёр бўлса!

Ўйлаб кўрилса, 16 февраль куни пойтахтимизда бўлиб ўтган воқеалар тушунчаларимизга катта зарба етказгандек. Бу аслида фақат қўрқув ҳолатида рўй бериши мумкин. Одам қўрқув ҳолатига тушиб қолса, мустақил фикрлай олмайди. Тўғрироғи, мустақил фикрга эга бўлмаган одам қўрқувга, ваҳимага тушиши мумкин. Яна ҳам тўғрироғи, иродаси суст кишигина онгли фикрлаш, воқеаларнинг моҳиятига етишга ожизлик қилади.

Президентимиз такрор-такрор уқтириб айтганларидек: мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик жараёнлардан бош мақсад — миллат сифатида ўзликни англашдир. Одамлар ҳаётни, яшашликларни онгли равишда идрок этсин. Ислоҳотлар жараёни маъқул бўлса, уларни ўз шахсий эҳтиёжи, фуқаролик бурчи сифатида қабул қилсин. Маъқул бўлмаса, майли, танқид қилсин, фикрини билдирсин, аммо амалий таклифларини айтсин, мавжуд камчиликни бартараф этишга ўз ҳиссасини қўшсин. Акс ҳолда, ҳар қандай танқид қуруқ гап бўлиб қоларади.

Ҳаётимизга бир назар солайлик: бундан бор-йўғи ўн йил олдин ким эдику бугун ким бўлдик! Тақдиримиз, эркимиз кимларнинг қўлида эди? Тилимиз, динимиз қай аҳволга тушиб қолгани хотирамиздан кўтариладими? Имом ал-Бухорий каби улуғ муҳаддисларимизнинг муқаддас қабрлари хароба тиканзор бўлиб ётганини унута оламизми? Миллий ғурур ҳақида сўз оча олармидик? Дунёда ўзбек деган халқ, Ўзбекистон деган мамлакат борлигини биров биларми-ди?

Ҳукмрон мафкурага сал қовушмайдиган оддий бир гап учун халқнинг асл фарзандлари қатағон қилинган, аксарият одамлар иккиюзламачи, тилёғламалик орқасидан кун кечирган даврлар ҳали хотирамизда эскиргани йўқ.

Президентимиз кўп бора таъкидлаганларидек, **коммунистик ақидапарастлик ҳам, диний ақидапарастлик ҳам бизга мутлақо тўғри келмайди.** Уларнинг ҳар иккаласи ҳам тарихий нуқтаи назардан халқимиз табиатига ёт, миллий анъаналаримиз, урф-одатларимизга зид. Замонавий нуқтаи назардан келиб чиқсак, **бу ҳар икки ақидапарастлик одамлар ҳаётни онгли қабул қилишларига изн бермайди, рад этади.** Аҳоли орасига порокандалик ва қутқу солади. Йўлига кирмаганларни, йўригига юрмаганларни бадном қилиш, қўрқитиш, тазйиқ ўтказиш, ёстиғини қуритиш ҳар икки ақидапарастлар учун манфур мақсаддан бошқа нарса эмас.

Буни жафокаш халқимиз бошидан кўп ўтказди. Энг сўнгги воқеа диний ақидапарастларнинг жирканч башарасини яна бир бор намойиш этди.

Дўппини олиб қўйиб, ўйлаб кўрайлик. Ўзбекистонимизнинг истиқлол йилларида эришган энг катта ютуғи одамларнинг ҳаётни онгли ирода этишлари учун ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-ҳуқуқий асослар, шарт-шароитлар яратиб берилгани эмасми? Аслини айтганда, бу чинакам демократик жамият талаби. Ўзгаришларни онгли қабул қилиш — биз танлаган йўл! **Ўзгаришларни онгли қабул қилиш, содда қилиб айтганда, дастурхон тўкинлигини ҳам, камчилигини ҳам онгли идрок этиш — бу ҳаётнинг қадрига етиш демак.** Онгли қараш, авваламбор, ҳаётни мантиқий, яъни ақл тарозусида идрок этиш. Ақл-идрок фақат инсонгагина инъом этилган энг улуғ неъмат, одамзод қўлидаги энг буюк қурол эмасми? Ақлини ишлатмаган, фикрида мантиқ бўлмаган одам билан баҳслашишнинг ўзи мантиқсизликдир.

Бу гапларни эслашдан муддао нима?

Келажаги буюк давлат қуряпмиз. Инсоф билан айтганда, етти йилда етмиш йилда қилинмаган ишлар қилинди. Бу мақсадларга бутун халқ кучи ва иродаси туфайли эришилди. Президентимиз «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат», деган шиорни айнан халқимиз идроки, салоҳиятига ишониб ўртага ташлаганлар. Ўз-ўзидан аёнки, энди одамларнинг ўзлари фаол бўлишлари, ҳаётни онгли қабул қилишлари, жамиятдаги ўз ўрнини аниқ белгилаб олишлари, шу тариқа мамлакат равнақи, ҳаёт ривожига баҳоли қудрат ҳисса қўшишга интилишлари лозим. **Сирасини айтганда халқ билан оломон ана шу жиҳатига кўра фарқланади.** Халқ воқеа ва ҳодисаларни онгли идрок этса, оломон кўр-кўрона жазава таъсиридан ҳеч қачон баланд туролмаган.

16 февраль воқеаларини ана шундай қарашлардан келиб чиқиб баҳолаш керак. Мудҳиш воқеалар туфайли бегуноҳ ҳалок бўлганларни эслаш, улар хотираси олдида бош эгиш, бу ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. **Лекин асосий бурчимиз — воқеаларни онгли идрок этиш, онгли таҳлил қилиш.** Бу тажовуз нима учун қилинди? Бу жаҳолат орқасида кимлар турибди? Уларнинг асл мақсадлари нима? Бу машъум воқеа нега айнан республикамиз пойтахтида содир бўлди?

Ва ниҳоят, бу воқеалар атрофида кимлар турибди?

Уларнинг ижрочилари ўзимизнинг орамиздан чиққан, кеча сизу биз билан ёнма-ён яшаган, шу эл тузини еб, тузлуғига тупурган, оқпадар кимсалар эмасми?

Бундай хунрезликни истаган, хоҳлаган одамлар кимлар, уларнинг бу қабиҳ маънавий қиёфаси кимларга маъқул? Сиртидан сир бермасаям ичидан хайриҳоҳ бўлганлар, машъум воқеани жону дили билан хоҳлаганлар, воқеа босилгач, ичини ит тимдалаганлар кимлар?

Яна бир савол кишини ўйлантиради. Бу мудҳиш тажовузнинг ташкилотчилари кимлар, оғзидан олов пуркаган аждарҳонинг боши ким? Ким бу аждарҳонинг комига ўлакса ташлаб турибди? У кимнинг кўлмагидан сув ичади, кимнинг ғорида жон сақлайди, кимнинг измига юради? Озодлик йўлидан бизни ортга қайтармоқчи бўлаётганлар кимлар ўзи?

Бу саволларга жавоб топиш учун яқин ўтмишда кечган жараёнларга бир назар ташлашга тўғри келади.

Истиқлолимиз арафасида ва ундан кейинги дастлабки йилларда «биз демократия қурамиз», деб аюханнос солиб, **сохта демократлар, амалпарастлар** майдонга чиқишди. Ижтимоий-сиёсий майдонда қуюндай изғиган бу кучлар халқни ўз ортидан эргаштириш учун айнан нималардан қурол сифатида фойдаланмоқчи бўлган эди?

Албатта, улар анойи эмас эдилар. Шўро истибдодига нисбатан одамларнинг қайфияти, руҳиятида пайдо бўлган норозиликлардан қурол сифатида фойдаланишга ҳаракат қилишди.

Хўш, бу қуроллар айнан нималардан иборат эди?

Биринчи қурол. Улар шўро тузумидан, ғаламчилар зуғуми ва десантчилар бедодликларидан, миллий ғурури топталган халқнинг мустабид замонга бўлган норозиликларидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланмоқчи бўлишди. Хўроз уч марта қичқирсам, тонг отади, деб ўйлаганидек, сохта демократлар аюханнос солсак, ҳаммаёқ обод бўлади, демократия ўрнатилади, ҳокимият қўлимизга ўтади, деб ўйлашганди. Бу йўлда улар турли ўйинлардан, ҳатто қора кучлардан ҳам фойдаланишдан ор қилишмади.

Душанбега бориб Шоҳидон майдонидаги олатасирларда демократ сифатида қатнашган, «Мана, демократия!», — деб Тошкентда ҳам ана шундай ноқонуний митинглар, тартибсизликларни уюштирган ўшалар эмасмиди?

Тасаввур қилиб кўринг, ўшандай намойишларга йўл қўйилганда, бу ғаламис кимсалар ҳокимият тепасига келганда Ўзбекистон бошига Тожикистондагига нисбатан минг карра оғир кунлар, кулфатлар, қирғинлар ёғилмасмиди?

Иккинчи қурол. Шўро даврида миллий қадриятларимиз ҳам, тилимиз ҳам, муқаддас динимиз ҳам, урф-одатларимиз ҳам, улуғ аллома ва мутафаккирларимиз номи, мероси ҳам топталган, таҳқирланган эди. Бу қадриятлар орасида тил алоҳида ўрин тутади. Ўша даврда мана шу муаммоларни рўкач қилиб, сохта обрў топиш учун елиб-югурганлар озмунча эдими? Бу шўро тузумининг ана шундай камчиликларини бор-йўғи инкор этишдан иборат жазава эди.

Бу табаррук ғояларни — энг ўткир қуролни ғаразли мақсадлар учун ишла-

(Давоми 2-бетда).

ГРЕЦИЯ ПРЕЗИДЕНТИ УЗБЕКИСТОНДА

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан 1 март куни Греция Республикаси Президенти Константинос Стефанопулос расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни Бош вазир У. Султонов, Ташқи ишлар вазири А. Комилов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Кутиб олувчилар орасида Греция Республикасининг Узбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Д. Кипреос ҳам бор эди.

(УзА).

РАСМИЙ ХАБАРЛАР

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида 1999 йил ҳосили учун баҳорги экиш мавсумига тайёргарлик ва уни муваффақиятли ўтказиш юзасидан кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирликлар, идоралар, компаниялар, бирлашма ва уюшмалар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раисининг ўринбосари ҳамда вилоятлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари иштирок этди.

Йиғилишни Бош вазир ўринбосари Б. Олимжонов бошқарди. Йиғилишда Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Ғ. Барноев иштирок этди.

***

Тошкентда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш билан шуғулланувчи Республика комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Унда Республика вазирликлари ва идораларининг, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаларининг раҳбарлари, шунингдек, давлат таълим ассоциацияларини, ўқув дастурларини ва дарсликларини тайёрлаш, синаб кўриш ва жорий этиш бўйича Республика комиссиялари ҳамда ишчи гуруҳларининг аъзолари иштирок этди.

Мажлисни Узбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Х. Каромат бошқарди. Мажлисда Узбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Рисқиев сўзга чиқди.

● ДАЛА-ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ АВЖИДА

ЭКИПАЖЛАР „ЖАНГ"ГА КИРДИ

Ўтган жума куни Чирчиқ гарнизонида Қуролли Кучларимиздаги батальон ва роталар командирлари ҳамда штаблар бошлиқларининг малакасини ошириш курси таркиби учун кўргазмали ўқув машғулоти бўлиб ўтди. Унда асосан Чирчиқ танкчи командир-муҳандислар олий билим юртининг офицерлари, профессор-ўқитувчилар таркиби ва 4-курс курсантлари қатнашдилар. Машғулотдан кўзланган асосий мақсад армиямиз офицерларига замонавий ҳарбий техникалар ва ўқотар қуроллардан самарали фойдаланиш йўл-йўриқлари ҳамда жангчиларнинг касбий маҳоратини оширишнинг ўзига хос қоидаларини кўрсатишдан иборат эди.

Ўқув машғулотини кузатиш учун эрта тонгданоқ билим юртининг полигонига бордик. Дала-ўқув майдонида билим юрти бошлиғининг ўринбосари полковник А. Макеев раҳбарлигидаги гуруҳ машғулотга тайёргарлик ишларини рисоладагидек бажарарди. Танкодромнинг тажрибали мутахассислари ҳам, алоқачилар ҳам, «тез тиббий ёрдам» ходимлари ҳам ўз соҳаларига алоқадор юмушларни талаб даражасида уддалашга жиддий эътибор қаратишган. Мазкур тадбир қатнашчиларига кўтаринки кайфият бағишлаш мақсадида лейтенант А. Белялов бошчилигидаги ҳарбий оркестр ҳам шай бўлиб турибди.

Билим юрти бошлиғи генерал-майор Ф. Усмоновнинг буйруғидан сўнг машғулот бошланиб кетди. Бутун борлиқни қудратли техникалар двигателларининг гуриллаган овози қоплади. Даставвал «Т-80» русумли танклар ўз йўналишлари бўйича силжидилар. Маълум бир масофадан сўнг улар махсус хандақларга тушгач, қирнинг ён бағридаги нишонларга қарата ўқлар узилди. Снарядлар нишонларни чилпарчин қилди. Барча экипажлар навбатдаги топшириқларни ҳам шу таклида «аъло» даражада уддалади. Кўпчиликни, айниқса, танк командири курсант Б. Аҳмаджонов, механик-ҳайдовчи катта

(Давоми 2-бетда).

Взвод командирининг ўринбосари сержант Шерзод Худойберганов ўз қўли остидаги жангчиларга замонавий ҳарбий техникалар ва қуроллардан фойдаланиш қоидаларини изчил ўргатмоқда. У қишки ўқув мавсумини ҳам ёруғ юз билан якунлашга азму қарор қилган.

Г. ТИТАРЕНКО суратга олган.

УКАЗ

ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН О СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ ПАСПОРТНОЙ СИСТЕМЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

В соответствии с Законом Республики Узбекистан «О гражданстве Республики Узбекистан» и в целях совершенствования паспортной системы республики, упорядочения въезда и пребывания на территории Республики Узбекистан иностранных граждан и лиц без гражданства:

1. Установить, что:

Иностранные граждане, включая граждан государств—участников СНГ, лица без гражданства имеют право на постоянную прописку на территории Республики Узбекистан лишь при наличии вида на жительство, выданного в установленном порядке органами внутренних дел Республики Узбекистан;

граждане государств — участников СНГ, находящиеся на территории Республики Узбекистан свыше трех суток, подлежат временной прописке по месту пребывания;

иностранные граждане и лица без гражданства, прибывшие в Республику Узбекистан по въездным визам, временно прописываются на срок действия въездной визы.

2. Утвердить:

Положение о паспортной системе в Республике Узбекистан в новой редакции;

положение о виде на жительство в Республике Узбекистан для иностранца, виде на жительство в Республике Узбекистан для лица без гражданства и удостоверении лица без гражданства в новой редакции;

изменения и дополнения в Положение о порядке рассмотрения вопросов, связанных с гражданством Республики Узбекистан, утвержденное Указом от 20 ноября 1992 года № УП-500.

3. Создать при Совете Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятах областей и г. Ташкента специальные комиссии для рассмотрения вопросов, связанных с выдачей видов на жительство для иностранных граждан, включая граждан государств—участников СНГ, и лиц без гражданства, а также их постоянной прописки на территории Республики Узбекистан.

Возложить руководство указанными территориальными комиссиями на Председателя Совета Министров Республики Каракалпакстан, хокимов областей и г. Ташкента.

При решении этих вопросов комиссиям особое внимание уделять наличию возможностей по обеспечению жильем, работой и социальных гарантий лицам, прибывающим в Республику Узбекистан на постоянное место жительства.

4. Возложить персональную ответственность за строгое соблюдение положений паспортной системы, порядка въезда, выезда и пребывания на территории республики иностранных граждан, включая граждан государств—участников СНГ, и лиц без гражданства на министра внутренних дел Республики Узбекистан, Председателя Комитета по охране государственной границы, Председателя Службы национальной безопасности, Председателя Совета Министров Республики Каракалпакстан, хокимов областей и г. Ташкента.

5. Признать утратившими силу приложения № 1 и 2 к Указу Президента Республики Узбекистан от 23 декабря 1994 года № УП-1027, Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 14 марта 1997 года № 143.

6. Министерству юстиции Республики Узбекистан совместно с Министерством внутренних дел, другими заинтересованными министерствами и ведомствами в месячный срок внести в Кабинет Министров предложения об изменениях и дополнениях в законодательство, вытекающих из настоящего Указа.

7. Кабинету Министров в недельный срок принять Постановление по реализации настоящего Указа.

Президент Республики Узбекистан И. КАРИМОВ.

Гор. Ташкент,
26 февраля 1999 г.

● ПУЛЬС ПЛАНЕТЫ

ТЕЛЬ-АВИВ. Премьер-министр Израиля Нетаньяху прибыл в Амман для переговоров с королем Иордании Абдаллой — о проблемах ближневосточного мирного процесса. Израильскую делегацию встретил иорданский премьер-министр Тарауни, который сопроводил их на встречу с новым монархом. Израильско-иорданские переговоры были осложнены скандалом в средствах массовой информации региона. Нетаньяху было приписано высказывание о том, что король Абдалла, якобы, может отказаться от мирного договора с Израилем, заключенного в 1994 году его недавно умершим отцом. Нетаньяху заявил, что причина скандала — неверное воспроизведение его слов.

ЛАГОС. Согласно предварительным и неполным результатам состоявшихся в Нигерии президентских выборов, лидирует бывший военный правитель этой страны Обасанджо. По сообщениям официального радио Нигерии, результаты голосования в 11 из 36 штатов этой страны показывают преимущество Обасанджо. За него выступают около 57 процентов избирателей. Бывший министр финансов Фале собрал около 43 процентов голосов. Вчера он заявил, что согласится с результатами выборов — если их процедура будет справедливой. Международные наблюдатели отметили лишь незначительные нарушения во время голосования, но окончательный отчет будет готов позже. Новый президент Нигерии должен приступить к своим обязанностям 29 мая.

ПЕКИН. Государственный секретарь США Мэдлин Олбрайт прибыла с визитом в КНР. Одна из центральных тем переговоров Олбрайт с премьером Госсовета КНР Чжу Жунцзи — подготовка его встречи с президентом США Клинтоном в Вашингтоне в апреле этого года. Ожидается также, что на переговорах будут рассмотрены проблемы двусторонних торговых отношений, а также вопрос об установке китайских ракет, нацеленных на Тайвань. Олбрайт намерена затронуть и проблему нарушения прав человека в Китае. Пекин был подвергнут критике госдепартаментом США за многочисленные нарушения гражданских и политических прав в обнародованном 26 февраля ежегодном докладе о положении в сфере прав человека в 200 странах мира.

МОСКВА. Спутник «Радуга-1» выведен в воскресенье на заданную орбиту. Запуск ракеты-носителя «Протон» с этим космическим аппаратом был осуществлен боевым расчетом космических средств РВСН России. Космический аппарат «Радуга-1» будет работать в интересах министерства обороны. Старт «Протона» второй в 1999 году. При первом запуске на орбиту был успешно выведен американский спутник «Телстар-6».

По материалам информационных агентств.

ФЕВРАЛЬ ВОҚЕАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

тишга уриниш эди. Ўша пайтда чинакам заҳматкашлар бир четда қолиб, қанча-қанча дордан қочганлар Наманган, Фарғона, Хоразмда шу қуруқ инкор ҳисобига сохта обрў орттиришга интилганликларини бугун ким рад этолади? Бугун қани ўша қуруқ инкордан нарига ўта олмаганлар? Нима каромат кўрсатишмоқда?

Учинчи қурол. Ўзбекистон Мустақиллиги, Она-Ватанимиз озодлиги. Яна ўша сохта арбоблар ва уларнинг тили-жаги ўткир гумашталари «Мустақилликни мустаҳкамлаш керак, асраш керак. Уни биз уддалаймиз!» дея қанчалик жар солишмади, томоқ йиртиб ҳайқиришмади?!

Аслида, бу ўзгаришларнинг бошида ким турди, элнинг яра бўлган кўнглига ким малҳам тутди? Уни мустаҳкамлаш, мамлакатнинг қаддини ростлаш, жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини кўтариш, бунёдкорлик ишларини амалга ошириш учун ким жон фидо қилмоқда? Ислом Каримов эмасми?

Бундан беш-олти йил илгари Тошкентга келган одам бугун шаҳарни таниёлмай қолиши ҳеч гап эмас. Бошқа шаҳару, қишлоқларимиздаги ободончилик ишлари, қад кўтарган иморатларимизни айтмайсизми?! Буларнинг бошида ким турибди? Ислом Каримов эмасми?

Хўш, бугун собиқ иттифоқ ҳудудидаги кўпгина давлатлар, халқлар озоб чекиб зўрға кун кечираётган бир пайтда эркин ва ўз мустақил иродаси билан яшаётган энг обод мамлакат қайси? Ўзбекистон эмасми?

Узоқни кўзлаган, жаҳон тан олаётган, вазмин, оқилона сиёсат олиб бораётган ким? Ислом Каримов эмасми?

МДҲ давлатлари орасида дунё миқёсида энг кўп ташаббуслар билан чиқаётган, узоқни кўра билаётган Президент ким? Ислом Каримов эмасми?

Тўртинчи қурол. Пахта яккаҳокимлиги оқибатлари, қишлоқ аҳолисининг ўша даврдаги турмуш даражаси. Бу масалада ҳам сиёсат майдонида бонг уриш, сохта обрў орттириш учун қанчадан-қанча жазавали ҳаракатлар содир бўлмади.

Энди ўтган етти йилдаги ўзгаришларга назар солинг. Етти йил ичида қанчадан-қанча қишлоқларимиз обод бўлди. Етмиш йил ичида газ нима, тоза ичимлик суви нималигини билмаган энг олис қишлоқларга ҳам бу табиий неъматлар етиб бора бошлади. Пахта яккаҳокимлигига ҳам тамомила барҳам берилди.

Самолётлар устимиздан заҳриқотил сепиб, умримизга зомин бўлганлари бугун бир машъум тушга ўхшаб қолмадими?

Бешинчи қурол. Ўзбек номини улуғлаш, дунёга танитиш. Бу ҳақда тафсилотларга берилмай, лўндасини айтиб қўя қолайлик.

Демократия ўйинлари аввига чиққан 80-йиллар охири 90-йиллар бошида жабрдийда одамларни жунбушга келтирган сафсатабозлар, сохта арбоблар хуружидан мамлакатни асраб, миллатни маънавий инқироздан олиб чиққан, унинг қаддини кўтариб, тарихи, санъати, қадимий шаҳарлари, бунёдкорлик ишлари орқали ўзбекнинг довруғини дунёга ёйётган ким? Ўзбекистон байроғини дунё миқёсида баланд кўтариб турган ким?

Бугун дунё Ўзбекистон салоҳиятини эътироф этмоқда, миллатимизнинг палаги тоза, жаҳоний мартабаси баланд эканлигини кўриб, билиб, ҳис қилиб турибди. Бу ўз-ўзидан бўлиб қолгани йўқ, албатта.

Улуғ бобомиз Амир Темур довруғини қайтадан тиклаш, бутун дунёга таратиш, Бухоро ва Хива шаҳарлари тўйларининг дунё миқёсида нишонланиши ҳазилакам гапми? Алишер Навоий, Баҳоуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек, Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний ҳазратларининг муборак тўйларичи?

«Шарқ тароналари» фестивали, халқаро киноанжуманлар Ўзбекистонни етти иқлимга танитиб қолмай, халқимизнинг ўз тарихи, улуғ аждодлари, ғўзал Ватани билан ҳақли равишда ифтихор қилишига асос бўлмадими?

Олтинчи қурол. Истиқлолимизнинг дастлабки кунлариданоқ «Исловот исловот учун эмас, инсон учун» шиори устивор вазифа қилиб қўйилди. Бош мақсадимиз инсоннинг иззатини жойига қўйиш, дея даъват этди Президент. Оила йили Оиланинг, Аёллар йили Аёлнинг, Инсон манфаатлари йили Инсоннинг улуғланишига, қадр-қимматини теран англаб етишига, ўзига ҳурмат билан қарашига, инсонга эътибор муҳити қарор топишига самарали таъсир кўрсатганлигини ҳис этмаслик, кўрмаслик мумкинми?

Еттинчи қурол. Ўзбекистонда ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқи, қадр-қиммати демократик қонунлар асосида кафолатланган. Демократик институтлар, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, ҳуқуқий онгни шакллантиришга хизмат қиладиган марказлар, шу жумладан, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий маркази ишлаб турибди. Ўнлаб ихтисослашган нашрлар ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ривожига хизмат қилаётир...

Шўро давлатида ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралар — суд, прокуратура, ички ишлар тизими қаттол ва бешафқат жазо қуроли, одамларга тазйиқ ўтказувчи, зўравонлик қилувчи восита бўлган бўлса, бугунги кунда моҳиятан ва энг аввало фуқаролар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи маҳкамага айланиб бормоқда.

Бу ислоҳот, бу туб ўзгаришларнинг тепасида турган ким?

Бунинг учун шу халқимизнинг ҳаёти бошқаларникидан кам бўлмасин, мамлакатимизнинг мавқеи юксак даражаларга кўтарилсин, адолатли демократик жамият, буюк келажак асосларини, мезонларини яратайлик, деб кечани кеча — кундузни кундуз демай, умри жонини аямай фаолият кўрсатаётган миллатпарвар ким?

Ўтган етти ярим йил ичида қанчадан-қанча ўзгаришлар рўй берди. Бу ишлар тоғдай юксалиб, кўзга яққол ташланиб турибди. Хўш, сохта обрў орттириш учун эҳтиросларни жунбушга келтириб, воизлик қилган, дунёга жар солиб, ўзларини «демократ» ниқобида кўрсатмоқчи бўлганлар бугун қаерларда ватангадо бўлиб юришибди? Улар инкор этиб аюҳаннос солган муаммоларнинг қайси бири бугун ҳал этилмади? Уларнинг қўлида яна қандай қурол қолди?

Тақир ерда чанг чиқарадиган бу «биродар»ларимизнинг шундай кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш учун ақли, фаросати, салоҳияти етармиди? **Ваъзхонлик, бақириш-чақириш осон, аммо амалий иш қилиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.**

Буни етти ярим йил давомида кечирган ҳаётимиз, бошимиздан ўтган не-не синовлар, аччиқ-чучукларнинг ўзи исботлаб бермадими? Албатта, барчамиз тан оламиз: ҳали муаммоларимиз оз эмас. Буни Юртбошимиз очиқ айтаётир. Ўзимиз ҳам кўриб турибмиз.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқилса, 16 февраль воқеалари ўз-ўзидан рўй бергани йўқ. Бу ақидапарастлар, **айрим ватангадоларнинг жон талвасаси, сўнгги чораси, деб айтиш мумкин.**

Сохта обрў топишда устаси фаранг бўлган Муҳаммад Солиҳ, у билан бирга шаталоқ отиб юрган аламзада ватангадолар, агар виждони бўлса, бу ҳақиқатларни инкор қила оладими?

Муҳаммад Солиҳ жаноблари, айтишларича, уч марта уйланган. Бир замонлар биринчи аёлидан туғилган қизларига • ҳатто алимент тўлашдан қочиб юрган бу хотинбоз ҳозир беш вақт намоз ўқир эмиш! Қариндошларига ёзган охирги хатида у: «Художўй, диний ақидага берилган болаларни Истамбулга жўнатинглар!» — деб илтимос қилибди.

«Демократ ватанпарвар»нинг бу илтимосидан бир савол туғилади: хўш, нима учун бу болалар ووراق сарсон бўлиб Истамбулга бориши керак экан? Диний таълим олиш учунми? Нима, исломий маърифат ал-Бухорий ватанига нисбатан Истамбулда кучли эканми? Улар Солиҳга нега керак бўлиб қолди? Нима, улар олдига пешво чиқиб, имомлик сарпосини кийиб қочими у?

Беш вақт саждага бош уриб гуноҳларини ювмоқчими? Ё ўзини чин мусулмон кўрсатиб янги қиёфага кирмоқчими? Шариатга кўра, Худонинг барҳақлигига мункир келган, куфрона ишларни қилиб юрган киши кофир саналмайдими? Мантиқан фикрланса, Худонинг буюрганларини бажармаган киши унинг олдида осий ва жофийдир. Ахир, мусулмон кишининг мусулмон биродари қони бегуноҳ тўкилишига бош қўйиши гуноҳи кабира эмасми? Кенгроқ маънода айтганда, халқнинг хоҳиш-иродасига зид амал қилган кимсанинг динсиздан нима фарқи бор?

Шу ўринда беихтиёр ўтган йили баҳорда «мухолиф»лардан бирининг «Озодлик» радиоси орқали: мухолиф бўлган кимсалар экстремистик кучлардан ҳам фойдаланишга ҳаракат қилмоқда, дея айтган фикри хаёлдан ўтади.

Муҳаммад Солиҳ чет элга қочиб кетиши арафасида қуролланиш ҳақида гапирса, кўпчилик «демократ» пўписа қилаяпти, деб ўйлаган эди. Таассуфки, акси бўлиб чиқди, унинг бузғунчилик фаолияти кучайса кучайдики, камаймади. Қашқадарёдан йиғирмага яқин йигитни гўё ўқитиш мақсадида хорижга чақириб олди. Бу соддадил йигитларни тузоққа илинтиргач, қонли тўқнашувларга тайёрлашгани, сизларни тижоратчи қиламан деб, айримларини Чеченистонга — биродари Яндарбиев ихтиёрига юборгани, йигитлар қонли урушларда иштирок этиб, хунрезликнинг ичида дийдаси қотгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Бу сир очилгач, макрга учиб, алданган йигитлар, уларнинг ота-онаси, қариндош-уруғи қанчалар пушаймон бўлишгани кўпчиликка маълум.

Халқимизда кўр ҳассасини бир марта йўқотади, деган гап бор. Лекин Солиҳдай кўрнамаклар бу ҳиқматнинг маъносига ета олармиди?

Мана, энг охирги маълумотлар: Россиянинг «Новости» ахборот агентлиги мухбирининг ёзишича, ўтган чоршанба куни Ҳасавюрт тумани Герзел назорат постида қуролланган холда Чеченистон — Доғистон чегарасини ноқонуний равишда кесиб ўтаётган ўзбек миллатига мансуб уч нафар шахс қўлга олинган. Уларнинг ёнидан учта пистолет ва Ф-1 граната чиққан.

Бу ҳақда Доғистон ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция полковники Сергей Оленченко матбуот конференциясида маълум қилди.

Қўлга олинганлар сўроқ қилинганда, улар Чеченистон ҳудудида ҳарбий тайёргарлик ўташгани маълум бўлган. Оленченко айтишича, бу — Ичкерияда одамлар хуфячилик, пистирма, ҳарбий топография ва бошқа ҳарбий машғулотлардан сабоқ олиб, жанговар ҳаракатларга тайёргарлик кўришаётгани ҳақида ахборотни тасдиқлайди.

Мазкур маълумотни ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари бундан бир неча ҳафта муқаддам айнан шу чегара назорат постида ушланган Ўзбекистоннинг бошқа бир фуқаросидан олган. Унинг ёнидан Чеченистон ҳудудидаги ҳарбий ўқув марказларидан бирида ўтилган ҳарбий сабоқ маърузалари топилган.

Биздаги маълумотларга кўра, Ўзбекистоннинг ўзида оч бўридай изғиб юриб, қўлга тушган баъзи ёлловчилар ҳам шу ва шунга ўхшаш кўплаб далилларни «сайраб» айтишмоқда.

Халқимизнинг мўмин-қобил йигитларини йўлдан уриб, жангарига айлантираётган, уларни жаҳолат, хунрезлик ва жиноят сари бошлаётган, миллатнинг шаънига халқаро миқёсда иснод келтираётган Солиҳнинг, гумаштларининг муддаоси нима ўзи?

Истамбулнинг хилват бир гўшасида ўзини ваҳҳобий ҳисоблаган, Афғонистон, Тожикистонда қўлини қонга ботирган, Пешовар, Истамбул, Чеченистон, Қобул, Қандаҳорда итдай изғувчи Тоҳир Йўлдош билан оғизбурун ўпишиб юрганлигини ҳеч ким билмайди, деб ўйлайдими?

Бу хуфя учрашувлар ортида қандай мақсад яширин эканлиги маълум-ку! Шунча қилмишларидан кейин Солиҳ жанобларининг демократлиги қаёқда қолди? Миллатпарварлиги қаёқда қолди? Унинг кирдикорларини исботлайдиган етарли далиллар мавжуд ва вақти келганда ошкор қилинади.

16 февраль куни Тошкентда содир этилган хунрезликда. Президент ҳаётига суиқасдда унинг қўли йўқ, деб ўйлайсизми? Тоҳир Йўлдош қабиҳларча, ҳокимиятни олгандан кейин Солиҳ бизга керак бўлади, дейди. «Демократ»нинг номи унгача халқ назаридан панада туриши, одамларнинг умрига зомин бўлган хунрезлик, разилликка аралашиб қолмаслиги, қонга булғанмаслиги керак. Ё, алҳазар!

Аллоҳ таоло инсонни ақлидан жудо этмасин экан. Ақлни олгандан кейин одамзод кўнглининг тубидаги пинҳоний ниятга эришиш учун ҳар қандай йўлдан, ҳар қандай қабиҳликдан қайтмайди. «Доҳий»лик касалига мубтало бўлган амалпарастлар одатда инсоннят бахт-саодати ҳақида булбулиғўёдай сайраб туриб, ўз мақсадига эришиш йўлида одамларни босиб-янчиб ўтаверади. Бунга иймон келтириш учун ярим умри қочоқликда ўтган «пролетариат доҳийси» ўз гумаштлари қўли билан ҳокимиятга эришгач, шафқатсиз равишда дарёдарё қон тўкканнни эслаш кифоядир.

Диний ақидапарастлар хуружи воситасида «демократ доҳий» ҳам Ўзбекистон бошига қора кунларни солишни ният қилганлиги сир эмас. Февраль воқеаларида бу муттаҳамнинг қўли борлигини ошкор қилишнинг вақти-соати келади, албатта.

Мард, довюрак инсон бошига қилич келса ҳам, агар у чинакам ватанпарвар бўлса, юртини ташлаб қочиб кетмайди. Бундай қўрқоқ кимсаларгина узоқдан туриб, ўзини ботир кўрсатиши, сохта ниқоб остида эса орқадан тиғ санчишдек манфур ишга қўл уриши мумкин. Доно халқ топиб айтган: нокаснинг борар жойи — жаҳаннам!

Асадулла ҲАҚНАЗАР.

РАЗВЕДКАЧИ ФОЗИЛЖОН

Ватан ҳимоячилари куни. Қисм шахсий таркиби командирнинг байрам табригини эшитиш учун саф тортган. Ҳаво совуқ, изғиринли шамол эсаётган бўлса-да, қалбларидаги байрамона кайфият, қувонч қишнинг заҳрини кесаётган эди. Айниқса, бу кун разведкачилар взводида хизмат қилаётган Фозилжон учун унутилмас бўлди. Унга Қуролли Кучларимизнинг 7 йиллик тўйи муносабати билан кичик сержант унвони берилган эди. Табриклар, тилаклар унинг қалбидаги ҳаяжон ҳовурини янада алангалатди, ўша кун.

Кичик сержант Фозилжон Исмоилов сўлим Фарғонанинг Бағдод туманидан. У катта лейтенант В. Антохов етакчилик қилаётган разведкачилар взводида бўлинма командири. Даставвал биз кичик сержант Фозилжон Исмоилов билан разведкачининг вазифалари хусусида сўзлашдик.

— Фильмларда ҳам бир неча бор кўрганман. Разведкачи душман ва унинг армияси, жойлашиши, миқдорий таркиби, жанговар техника ва қурол-яроғлари ҳақида маълумотлар тўплаб, қўмондонликка етказади. Бу маълумотларни тўплаш учун у тактик тайёргарликни яхши ўтаган, спорт билан; айниқса, қўл жанги билан мунтазам шуғулланган, жанговар техника ва қуролярогдан оқилона фойдалана оладиган бўлиши лозим. Биз машғулотларимиз давомида асосан ана шу тамойилларга амал қиламиз — дейди кичик сержант Ф. Исмоилов.

Взводда командирнинг ўзи посбонларга қўл жанги бўйича устозлик қиларкан. Шунинг учун разведкачи аскарларда қўл жанги санъатини мукаммал ўрганишга қизиқиш катта. Посбонларнинг машғулотлар ўтиш, спорт билан шуғулланиш учун шарт-шароитлари яхши. Батальон командирининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари капитан Ф. Гоипов режада кўрсатилган тартибда ижтимоий-сиёсий машғулотлар ўтар экан. Кичик сержант Ф. Исмоилов ижтимоий-сиёсий машғулотларнинг қай йўсинда ўтказилиши хусусида сўзлаб туриб, ўз бўлинмасидаги посбонлардан оддий аскарлар Акбар Қодирқулов, Олтинбек Тўрақулов, Ҳамро Қаландаров, Илҳом Маҳкамов, Шокиржон Собировларнинг бу борада доимо фаол эканликларини таъкидлади.

— Взвод командирининг ўзи сизларга қўл жанги бўйича мунтазам машғулотлар олиб борар экан. Йигитларда бунга қизиқиш борми, ўзи? — дея сўрайман Фозилжондан.

— Ҳатто бўш вақтларида ҳам яккакурашнинг бу тури билан шуғулланадиган посбонларимиз бор, ўртоқ катта лейтенант. Гоҳо бошқа взвод аскарлари бизнинг посбонларнинг қўл жанги санъатини моҳирлик билан эгаллаётганига ҳавас қилишади. Айниқса, бўлинмамизда наманганлик посбон оддий аскар Умид Раҳимовга қўл жанги бўйича тенг келадигани йўқ. Дарвоқе Умид 14 январда аъло хизматлари учун Ташаккурнома ҳам олди.

Кичик командир бўлинмадаги жанговар ҳаёт, посбонларнинг фаолияти ҳақида шунчалар тўлиб-тошиб гапирди-ки, суҳбат давомида зерикиш нималигини билмадим. Унинг фикрлашини, тўлишган жуссасини кузатиб туриб, армия йигитларимизни баркамол этиб тарбияловчи мактаб эканлигига яна бир карра амин бўлдим.

Катта лейтенант А. САФАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

Ишонч оқланган кун

1998 йил, 25 август — бу кунда ҳарбий учувчи катта лейтенант Шавкат Абдунабиевнинг ҳаётида унутилмас воқеа бўлди, десак хато қилмаймиз. Чунки айнан ўша кунюртимизнинг асл сарлочини илк бор мустақил равишда парвоз қилишга рухсат олиб, парвозни муваффақиятли ўтказди.

— Бу йигит ҳозирги вақтда Қуролли Кучларимиздаги ҳарбий ҳаво кемаларини ёлгиз ўзи бошқаришга эришган энг ёш учувчилардан биридир, — дея фахр билан таъкидлади қисм командирининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари майор Сонбжон Алибоев. — Шавкатни илк парвози ҳарбий билим юртини тамомлаганидан сўнг бир йил ўтар-ўтмас юксак савияда амалга ошган эди. Давом этаётган қишки ўқув мавсумида ҳам унинг хизматлари аъло баҳоланди.

Авиация сир-синоатларини тушунадиганларга бу фактнинг аҳамиятини изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, — бу соҳада, айниқса қирувчи авиацияда, йўриқчисиз илк бор парвозга рухсат олиш учун устозларида жуда катта ишонч бўлиши шарт. Катта лейтенант Ш. Абдунабиевнинг шу юксак натижага эришишига катта ҳисса қўшган Ҳарбий Ҳаво Кучлари штабининг офицери подполковник Сергей Тихий Шавкатни ҳамма синовлардан ўтказган эди. У кишининг фикрича, келажакда яхши учувчи бўлиб камолга етиши учун Абдунабиевда ҳамма имкониятлар мавжуд.

Ўғлининг хизматдаги ютуқларини отаси — Қуролли Кучлар Академияси ўқитувчиси полковник Озодбек Абдунабиев ҳам севинч ва фахр билан кузатмоқда. Ота хурсандчилигига сабаблар кўп — Шавкат муддатдан илгари навбатдаги унвонига сазовор бўлди, мана парвозга ҳам ҳаммадан илгари рухсат олди.

Ҳарбий сулола давомчиси катта лейтенант Ш. Абдунабиевга мустақил Ватанимиз мусаффо осмонини ҳимоя қилишдек мураккаб, аммо шарафли хизматида янада улкан ютуқлар тилаб қоламиз. Ўйлаймизки, бир марта устозлар ишончини қойилмақом оқлаган йигит келажакда ҳам талайгина унутилмас кунларни қувонч билан эслаб юради.

Капитан А. КАМАЛОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

Суратда: **Катта лейтенант Ш. Абдунабиев.**

Г. ТИТАРЕНКО суратга олган.

ЭКИПАЖЛАР „ЖАНГ"ГА КИРДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

сержант Б. Рисбеков ва наводкачи оператор курсант М. Абдуллаевлардан иборат экипажнинг ҳатти-ҳаракатлари лол қолдирди. Чунончи, улар ташкин «яшин тезлигида», бехато ҳайдаган ҳолда вақтдан ютишгина қолмай, балки ҳамма нишонларни яксон қилишга улгурдилар.

Улар маррага келиши биланоқ «жанг майдони»га «Т-72»даги экипажлар кирдилар. Бу гал эса битирувчи курс курсантлари янада юқори натижаларга эришдилар. Зеро, улар йирик калибрли пулемётлардан нишонлар ҳали тўлиқ кўтарилмасданоқ қулатишга муваффақ бўлдилар. Энг муҳими патронлар тежалиб, тоширик қойилмақом бажарилди.

Бу пайтга келиб тоғдан эсаётган шамол янада кучайди. Аммо майор Б. Абдуллаевнинг қўл остидаги десантчи курсантлар ўз маҳоратларини ишга солдилар. Десантчилар жанговар машиналаридан «душман» техникаларини тез орада йўқ қилдилар. Жумладан, «БМД» командири вазифасини ўтаган сержант Б. Маткаримов ҳамда наводкачи операторлик қилган курсант В. Мадиумаровлардан кузатувчилар миннатдор бўлдилар.

Сўнгра бир нечта ўқув ўринларида ўқотар қуроллардан ўт очиш машқларини тўғри ва самарали бажаришга оид машғулотлар ўтказилди. Кузатувчилар билим юртида бўлгуси офицерларга таълим-тарбия беришнинг замонавий усуллари жорий этилганлиги ва бу орқали битирувчи курсантлар юқори билим ва кўникма орттирганликларининг гувоҳи бўлдилар.

Жумладан, катта лейтенант М. Шералиевнинг шогирдлари парашютда сакраш бобидагина эмас, шунингдек жанговар қуролласлаҳалардан фойдаланишда ҳам юқори малакага эга эканликларини амалда намоён қилдилар. Масалан, курсант М. Добринин автоматдан «аъло» баҳога отган бўлса, курсант Д. Санчик гранатомётдан ўт очиб, юқори кўрсаткичларга эришди. Курсант Ж. Нормуродов пулемётдан талаб даражасида ўт очди, «АГС-17»дан отишда эса курсант Д. Сотниковга етадигани топилмади.

Кўргазмали ўқув машғулоти тугагач, генерал-майор Ф. Усмонов машқларни таҳлил қилиш учун йиғин ўтказди. Унда ҳар бир машғулотнинг ўзига хос жиҳатлари, йўл қўйилиши мумкин бўлгай камчиликлар, хавфсизлик чора-тадбирлари ва бошқа масалаларга алоҳида тўхталди. Офицерлар малакасини ошириш курсининг аъзолари эса бу машғулотдан катта таассурот олганликлари ва жойларда таълим-тарбиянинг замонавий усулларидан унумли фойдаланиш лозимлигини таъкидладилар.

Катта лейтенант Ш. ҲОШИМОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

ФАҚАТ АЪЛО БАҲО

Лейтенант Б. Ҳалимов командирлик қилаётган взвод шахсий таркиби ҳам қишки мавсум ўқув машғулотларида фаол қатнашиб, жанговар, ижтимоий-сиёсий ва бошқа тайёргарликлар бўйича юқори натижаларни қўлга киритмоқда. Эришилаётган муваффақиятларда жамоадаги ўзаро аҳиллик, жипслик, мустаҳкам тартиб-интизомлилик муҳим негиз бўлмоқда.

Сержант Тўлқин Сойибхўжаев етакчилигидаги бўлинма взвод бўйича энг намунали бўлиб, оддий аскарлар — Д. Турдиев, И. Ноғойнгитов, О. Ҳайдаров каби бўлинма посбонлари фақат аъло баҳолар олишга мушарраф бўлиб келмоқдалар.

— Қўлга киритаётган ютуқларимизга жамоада ўрнатилган мустаҳкам тартиб-интизомлилик асосий негиз бўлмоқда, — дейди сержант Т. Сойибхўжаев суҳбат чоғида. — Ҳарбий хизматнинг ҳар бир жабҳасида — хоҳ жанговар тайёргарлик, хоҳ дам олиш вақтларида бўлсин — тартиб-интизомга қатъий риоя қилиш — бизнинг шиоримизга айланган. Посбонлар буни дилдан ҳис қилиб, ўз муқаддас бурчларини намунали адо этмоқдалар. Қишки ўқув мавсумини ҳам фақат аъло баҳолар билан якунлашни қатъий мақсад қилганмиз.

Катта лейтенант У. ҲАМИДОВ.

● ТВОИ СЫНОВЬЯ, УЗБЕКИСТАН!

СЛУЖИТ НА СОВЕСТЬ

— К труду он был приучен с раннего детства. Родители, воспитавшие двенадцать детей, трудились не покладая рук и детей с малых лет учили тому же. И, наверное, не случайно Мавлонжон и два его брата выбрали профессию офицера. Братья его сейчас служат в Воздушно-десантных войсках. А Мавлонжон — в отдаленном гарнизоне.

— Офицер он грамотный, работает на совесть, отличный человек, — так отзываются о нем сослуживцы. Когда состоялось наше знакомство, я попросил своего собеседника рассказать о себе.

Мавлонжон Уринбаевич Юнусов родился в Риштанском районе Ферганской области. В 1984-м поступил в военное училище. После его окончания в первое время командовал взводом. Затем — ротой.

За отличную службу ему досрочно было присвоено воинское звание капитан. Служил в должности начальника штаба батальона, после — командиром батальона. В эту пору получил очередное звание майор.

Прослужив два года, М. Юнусов решил повысить свои знания. В 1995 году поступил в Академию Вооруженных Сил Республики Узбекистан. Закончив ее на отлично, был назначен начальником связи гарнизона.

Работу начал с налаживания четкой связи со всеми подразделениями. Обеспечил мобильной связью всех командиров. Занялся кадровым вопросом — в армии, прежде всего, необходимы профессионализм и прочные знания. Строго следил за специальной и физической подготовкой личного состава. Результат не замедлил сказаться — на смотре личный состав подразделения связи гарнизона отличился по всем дисциплинам.

Знакомясь и беседуя с сослуживцами Мавлонжона Уринбаевича, я слышал о нем самые лестные отзывы. Так, его коллега Абдугаффар Джуманович Юсупов отозвался о нем как об очень образованном человеке. Все отмечали, что офицер заботится о благе личного состава, старается внести новшества в учебно-воспитательный процесс, поддерживает крепкую дисциплину. Воины, в свою очередь, относятся к нему с

большим уважением, не было случая, чтобы кто-то его подвел.

Дом офицера всегда открыт для гостей. От домашней атмосферы веет теплом и уютом, согласием. Юнусова можно смело отнести к числу счастливых людей — любимая профессия, любящая жена, чудесные дочки.

Вот и в зимнем периоде обучения связисты подразделения, где командует подполковник М. Юнусов, добиваются высоких результатов в боевой учебе, обеспечивают четкую и бесперебойную связь.

М. СУТАЕВ.

Военно политические новости

ПОВЫШЕННОЕ ВНИМАНИЕ

Несмотря на сложную финансово-экономическую ситуацию и неоднократные урезания бюджета, мексиканское правительство оставило неприкосновенными ассигнования на нужды вооруженных сил, уделяя повышенное внимание обороноспособности страны. Министерства национальной обороны и военно-морского флота остаются одними из немногих учреждений страны, чьи расходы реально выросли в последние годы. Представитель правящей партии объяснил причину роста расходов на силовые ведомства необходимостью осуществлять постоянный контроль в различных штатах страны над деятельностью повстанческих группировок — Революционной народной армии и Сапатистской армии национального освобождения.

ГАНА РАҲБАРИ ФИКРИ

АҚШ ҳукумати Конгода тинчлик ўрнатилиши учун зарур бўлган барча чора-тадбирларни кўришга тайёр. Оқ уй раҳбари Билл Клинтон мамлакатга расмий ташриф буюрган Гана Президенти Жерри Ролингс билан бўлган учрашувдан сўнг шуни маълум қилди.

Гана президенти Жерри Ролингс эса ўз навбатида Конгодаги тинчликни сақлаш кучлари сафида АҚШ аскарлари иштироки фойдадан ҳоли бўлмасди, деган фикрни билдирди.

АРМИЯ ПОМОЖЕТ ПРАВИТЕЛЬСТВУ

Столкнувшись с массовым притоком в Швейцарию беженцев, в основном из сербского края Косово, власти альпийской республики призвали на помощь армию. Военнослужащим предстоит на время переквалифицироваться в своего рода работников службы социальной помощи. Их задача — обеспечить работу новых центров для регистрации просителей убежища. Эти центры будут созданы на базе действующих военных лагерей.

ФОЙДА МАНБАИ — РАКЕТАЛАР

Шимолий Корея ҳукумати баллистик ракета ишлаб чиқариш борасида ҳамкорлик қилиш учун Эрон, Покистон ва Сурияга ўзининг ракета технологияси бўйича муҳтасассисларини жўнатган. Япония матбуоти АҚШ маъмурияти вакилининг маълумотларига таянниб, шу ҳақда хабар тарқатди.

Унда айтилишича, бугунги кунда ракета ва ракета технологиясини экспорт қилиш Шимолий Кореяга қаттиқ валюта келтирувчи асосий манбалардан биридир. АҚШ давлат департаменти маълумотларига қараганда, сўнгги ўн йил давомида КХДР бу савдодан 1 миллиард доллар атрофида фойда олган.

ИЗРАИЛЬСКИЕ ПАРТНЕРЫ

Американская компания «Локхид-Мартин» избрала три израильские фирмы в качестве партнеров по консорциуму, который займется модернизацией самолетов Ф-16. Соглашение между «Локхид-Мартин» и израильскими компаниями «Израэл эйркрафт индастриз», «Элбит системс» и «Эл-Оп» было подписано в Иерусалиме. Стоимость модернизации одного Ф-16 составит, как ожидается, около трех миллионов долларов.

ТИНЧЛИК МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА

Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафар уюштирган Норвегия бош вазири Хел Бунневик Қоҳирада миср-лик ҳамкасби Камол ал-Ганзурий билан учрашди. Учрашувда минтақада тинчлик ўрнатиш бўйича олиб борилаётган ишлар ва икки томонлама алоқаларнинг ҳолати билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Миср Норвегия бош вазири Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб қилган сафари давомида ташриф буюрган сўнгги мамлакатдир. Вулгача у Иерон, Фаластин мухторияти ва Иорданияда бўлган эди.

По материалам печати.

● МУНОСАБАТ

ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАР ИЧРА...

Инсондаги одамийлик фазилатлари орасида Ватанни севиш, уни ардоқлаш ва ёвуз кучлардан асраш энг улуғларидан саналади. Негаки, бу туйғулар кишиларнинг имон-эътиқодига ҳам даҳлдордир. Шунинг учун «Ватанни севмоқ — иймондандир», деган ҳадис бугунги кунимизнинг ҳам муқаддас каломларидан бирига айланган.

Ўзбек халқи азалдан юртини, тупроғини севган, уни кўз-қорачиғидек асраш йўлида жонфидолик даражасига кўтарилган халқдир. Шунинг учун ҳам 1991 йили эълон қилинган Ватан мустақиллиги ҳар биримизнинг шон-шарафимизга айланди. Истиқлол туфайли юртимизда шиддат билан амалга ошаётган катта ўзгаришларда ҳар бир Ватан фарзанди ўзининг муносиб ўрнини кўра олиши қувончлидир.

Биз қураётган жамиятнинг асосий мезони, таянчи ва ўлчами адолат бўлиб қолмоқда. Бунинг натижаси эса фуқаролар ризолиги, миллатлараро тотувлик ва халқлар ўртасидаги осойишталикдир. Бугунги кунимизнинг кечаги кунимиздан фарқи ҳам шундаки, биздаги ўзимизга бўлган ишонч ва журъат юксалиб, тафаккуримиз янада бойиб бормоқда.

Шундай бир пайтда пойтахтимизда содир бўлган ёвуз кучларнинг қора қилмишлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмади, албатта. Ўша куни Олий Мажлис биносида бўлиб ўтган йиғилишда Президентимиз бу воқеага ўз қарашларини изҳор этар эканлар: «Мен Ўзбекистон ёшларини ҳеч кимга бериб қўймайман, улар менинг болаларим!» — деб айтганлари менинг ҳам руҳиятимга ўз таъсирини ўтказди. Ҳа, ёшлар Ватанимизнинг эртанги куни, истиқболи экан, уларни асрашимиз, демакким, тинчлик, осойишталик учун барча чора-тадбирларни кўришимиз лозим.

Ёшларни эса одатда, ниҳолга ўхшатамиз. Шамол уни қайси тарафга тортқиласа, ўша ёққа қараб ўсиб кетавериши ҳеч гап эмас. Шундай экан, уларнинг тарбиясига ниҳоятда жиддий эътибор билан қарамоқ, айни пайтдаги энг долзарб вазифаларимиздандир.

Бугунги кунда мен Ватанимиз ҳимоясида хизмат қилаётган йигитларимизга катта ишонч ва ифтихор билан қарагим келади. Улар йигит деган шараф эгаси, Қўшиқларда куйланганидек, «... Йигит бор, қалъа бут, қўрғон саломат...» Мен ҳам она бўлиб уч ўғлон ўстираётганимдан қувонаман. Шу йигитларимиз, ўғлонларимизнинг тани жони соғу, бошлари омон бўлсин. Тинч-осойишта юртимизга асло кўз тегмасин!

Отамдайин азизсан,
Меҳригиё онамдай,
Менинг учун сен гўё
Шу ёруғ, кенг оламдай.
Акамдайин ҳурматли,
Боламдайин жонимсан.
Сингилимдай суюклию
Томиримда боримсан,
Жоним Ўзбекистоним,
Шоним Ўзбекистоним!
Қишлоғингда ўсибман,
Шаҳрингда кезибман.
Бугун сен ҳақда ўйлаб,
Қадринг жондек сезибман.
Меҳринг офтоб, дедилар,
Нонингни хўп едилар,
Меҳр мисол қадрли,
Нондайин азизлигим,
Борим Ўзбекистоним,
Орим Ўзбекистоним!
Сен ҳақдаги таърифни
Ёзиб қўймиш шоирлар,
Менинг кўнглим ҳам
жилға,
Ёзмоқ истади шеърлар.
Эшиги доим очиқ,
Ширин сўз, қора кўзли,
Дардин ичига ютган.
Элим бор ёруғ юзли,
Жоним Ўзбекистоним,
Шоним Ўзбекистоним!
Қайга борса иззатли,
Номус учун талашур.
Ўзин чеккага қўйиб,
Қийналганга қарашур.
Феъли кенг, бағри иссиқ,
Худодан толе кутган,
Сувлар келса симириб,
Тошлар келса жим ютган,
Орим Ўзбекистоним,
Борим Ўзбекистоним!
Бардош бўлсин сенга ёр,
Фарзандларинг мададкор,
Шундай улуғ бағрингда
Ўқлар учмасин зинҳор!
Осмонинг мусаффою
Замининг бўлсин қутлуғ!
Юртбошинг омон экан,
Демакким, эртанг ёруғ!
Шоним Ўзбекистоним,
Жоним Ўзбекистоним!

Салима ҚИЛИЧЕВА,
шоира.

● БУГУН — ЎЗБЕКИСТОН БМТГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

ЎЗ ЎРНИМИЗ БОР

1992 йил 2 март куни БМТ қарорғоҳида Ўзбекистондан бошқа яна 8 та давлатнинг байроқлари қилпиради. Яъни Арманистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон, Туркманистон, Сан-Марино давлатлари ҳам халқаро ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Аммо ҳуқуқий-демократик, инсонпарвар жамият қураётган Ўзбекистоннинг мазкур халқаро ташкилот билан ўзаро алоқалари бўлакча.

Ўз истиқлол ва истиқбол йўлидан дадил одимлаётган Ўзбекистонда ислоҳотлар жадал суръатларда давом этмоқда. Мазкур ислоҳотларнинг самарали амалга оширишда БМТнинг ҳам улуши салмоқли бўлаётганлигини таъкидлаш жоиз. БМТ ташкил топган кун муносабати билан бўлиб ўтган матбуот анжуманида ҳам мазкур халқаро ташкилотнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Павел Крал мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларга юқори баҳо бериб, БМТ билан Ўзбекистоннинг ҳамкорликлари тобора кенгаяётганлигини алоҳида таъкидлади.

Маълумки Ўзбекистон қадим-қадимдан маънавият, маърифат, маданият ўчоқларидан бири бўлган. Бу заминда жаҳон цивилизациясига катта улуш қўшган алломалар яшаб ўтган. Бугунги мустақил Ўзбекистон сиёсатида ҳам маънавият, маърифатга катта эътибор берилаётганлиги бежиз эмас.

